

## ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу жадвал танлов предмети бўйича танлов ҳужжатларининг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” Давлат муассасаси
2.	Объект номи:	50V137 "Балликўл - Исковот" автомобиль йўлининг 2,0 км.даги кўприкни реконструкция қилиш
3.	Танлов тури:	Энг яхши таклифларни танлаш
4.	Танловни ўтказиш манзили, жойи	Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Мустақиллик шох кўчаси 68 уй. ( <i>etender.uzex.uz</i> )
5.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ҳамда бошқа ресурслари мавжуд; шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эга; солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган; ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари мавжуд эмас; Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган
6.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги 901 сонли қарорига асосан муҳандис-консультантлардан тегишли сертификат талаб этилади
7.	Танлов иштирокчиларининг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтиришлар олиш муддати:	Танлов таклифларини тақдим этишнинг сўнги муддати тугашидан камида 2 кун олдин.
8.	Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Эълон берилган кундан бошлаб 5 иш куни ичида
9.	Танлов ҳужжатининг тили:	Ўзбек
10.	Танлов таклифининг амал қилиш муддати:	Танлов таклифларини тақдим қилишнинг сўнги муддати тугатилган кундан бошлаб 30 кундан кам булмаслиги керак.
11.	Қўшимча ҳужжатлар рўйхати:	Иштирокчининг гувоҳнома, низом (устав) ва лицензия нусхалари. Солиқ қарздорлиги ва бошқа мажбурий тўловлар йўқлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза. Иштирокчининг ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида ДСИ маълумотномаси. Танлов ҳужжатларида келтирилган ҳужжатлар: ходимларнинг диплом нусхаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисида буйруқ ва меҳнат

		дафтарчалари нусхалари; ДСИ ёки статистика бошқармаларига топширилган охириги ҳисобот давридаги ходимлар ўртача сони ва иш ҳақи жамғармаси кўрсатилган ҳисоботлар нусхалари; Баланс 1-шакл ва Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари нусхалари (охириги йил); ижара шартномаси ёки кадастр ҳужжатлари нусхалари.
12.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифлари комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқиш бошланган кундан эътиборан 5 иш куни мобайнида.
13.	Буюртмачининг танлов предмети бўйича бошланғич нархи:	60 000 000,0 (олтмиш миллион) сўм, ҚҚС билан. 53 571 428,6 (эллик уч миллион беш юз етмиш бир минг тўрт юз йигирма саккиз) сўм олти тийн ҚҚС сиз.
14.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари.
15.	Қурилиш ишларини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда амалга ошириш (объектларни параллел лойиҳалаштирган ҳолда қуришда) муддати	2025 йил 1 сентябргача
16.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Шартнома имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия Вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитаси томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 5 иш куни мобайнида шартнома қийматининг 15% миқдорида бўнак (аванс) маблағи бажарувчи ҳисобрақамига ўтказилади. Шартнома баҳосининг қолган қисми бажарилган ишлар қабул қилингандан кейин 10 иш куни ичида амалга оширилади.
17.	Шартнома тили:	Ўзбек
18.	Шартнома шартларига қўшимчалар	<b>Иштирокчининг таклиф нархини кафолатли камайтириш мажбурияти</b>  Иштирокчи Буюртмачи томонидан белгиланган дастлабки ҳисобий нархга нисбатан ўз таклифини қанча фоизга камайтирган бўлса, кейинчалик лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича давлат экспертизаси ҳулосасида кўрсатилган нархга нисбатан ҳам ушбу фоизда камайтиришни шартнома доирасида кафолатлайди. Ушбу камайтириш миқдори шартнома амал қилиш даври мобайнида ўзгармасдан сақланади ва Иштирокчи томонидан қайта кўриб чиқиш ёки ошириш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.
19.	Шартнома валютаси:	Ўзбекистон сўми